

## Ўзбекистон Республикаси

### Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш соатлари тўғрисида маълумот

2019 йил 07 июнь  
соат 15-00

Давлат статистика қўмитаси  
3-кават, мажлислар зали

**Ўрганиш соатларини ўтказувчи:** Қ.Мусаев – Юридик бўлими бошлиғи

**Қатнашдилар:** Қўмита марказий аппарати  
бошқармалари ва бўлимлари  
ходимлари (18 киши)

**Ўрганиш соатларида ўтилган мавзулар:**

*Маърузачи – Ш.Ахунов*

#### **1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тизимли равишда ўрганиш тўғрисида**

Тадбир давомида иштирокчиларга маърузачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириш, молия ва банк тизимларини ислоҳ қилиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш масалалари комплекси бўйича амалга ошириш юзасидан Йўл харитасини ижросини таъминлаш бўйича Давлат статистика қўмитасининг чора-тадбирлар режаси ва тизимли ўрганиш бўйича режа-жадвалга асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тизимли ўрганиш тўғрисида батафсил маълумот берди.

Маърузачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Иккинчи бўлим. инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари бўлимининг VIII, IX, X-бобларининг мазмун-моҳияти йиғилганлар эътиборига етказиб берилди. VIII боб. Сиёсий ҳуқуқлар тўхталиб ўтилиб, унда 32-35-моддаларни ўзига қамраб олади.

IX боб. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар масалаларига тўхталиб ўтилиб, унда 36-42-моддаларни ўзига қамраб олиши ва фуқароларни иқтисодий

X боб. 43-46 моддалардан иборат бўлиб, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларига бағишланган.

Шунингдек, Конституцияни мунатазам ва давомли ўрганиб боришга ва бу бўйича режа-жадвал асосида ташкил этилганлиги ҳамда ҳар ойда бир марта ўтказилиши тўғрисида ахборот берилди.